

# САМИМИЙ, МЕҲРИБОН УСТОЗ ЭДИЛАР...

*Дўстова Сурайё Савроновна*

*Жиззах давлат педагогика институти*

*катта ўқитувчиси*

Шундай инсонлар борки, улар бу дунёдан ўтиб кетсалар ҳам қилган яхши амаллари билан ҳаёт яшайверадилар. Ана шундай инсонлар қаторига отамдек азиз бўлиб қолган, меҳрибон, самимий, очиқ кўнгил, барча эзгу сифатлар соҳиби бўлган, улуғ адабиётшунос, манбашунос, матншунос олим устозим филология фанлари доктори, профессор Саидбек Рустамович Ҳасановни ҳам қўшиш мумкин.

Яхши устозга шогирд бўлишлик ҳам Аллоҳнинг иноятидир. Мен, устозим Саидбек Рустамович Ҳасанов билан 2008 йил куз ойида танишганман. Факултетимизнинг адабиёт ўқитиш методикаси кафедраси доценти ф.ф.н. Нодира Соатова устознинг ёнларига олиб боргандилар. (Устознинг исми фамилиясини эса сал аввалроқ таниганман. Факультетимиз профессори Олимжон Жўраев 1999йил Сурайёхон, билимингиз яхши, араб ёзувини ҳам билар экансиз, эсингиздан чиқмай туриб, илмий иш қилиб олинг дея, Тошкентга аспирантурага таклиф қилган ва Саидбек Ҳасанов раҳбарлигида иш бошлашимни, яхши устоз эканлигини таъкидлаб айтгандилар. Ўшанда турмушга чиқаётганлигимни ва тақдирим нима бўлишини билмаслигимни айтиб рад жавобини берган эдим.) Нодира опа билан устоз Саидбек Ҳасановнинг олдиларига борганимизда салобатли, юзларидан нур таралиб турган, отамга ўхшаб кетадиган келбатли инсон рўпарамизда турардилар. Опа салом-алиқдан сўнг шогирд олиб келганликларини айтгач, нимага кизиқишимни сўрадилар. Қўлёзмаларни ўқишни, ўрганишни чин дилдан хоҳлашимни, бироқ араб тили бўйича мутахассис эмаслигимни билдирдим. Шунда устоз шогирди Ж.Жўраевга, музей фондида туркийда ёзилган,

хозирга қадар илмий ўрганилмаган қўлёзмалар рўйхатини олиб киришини айтдилар. Ж. Жўраев рўйхатни олиб киргач, устоз менга рўйхатни кўриб чиқиб биттасини танланг, танлаган мавзуингиз бўйича илмий иш қиласиз, дедилар. Мен “Лаффасийнинг “Хива шоирлари”ни танладим. Шу ондаёқ Жалолоддин акага “Хива шоирлари” қўлёзмасини олиб чиқишини айтдилар. Шогирди асарнинг қўлёзмасини олиб чиққанидан сўнг, ўқиб кўринг дедилар ва ўқиганимдан сўнг, асарни ўқиб танишиб чиқинг, кейин шу асарнинг бошқа қўлёзма нусхалари бор йўқлигини аниқлайсиз. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари Шарқшунослик институтида бор бўлиши керак, дедилар ва шу заҳотиёқ розилик хати ёзиб бердилар. Ишни бошланг, муваффақият деб айтдилар. Ана шундан буён куп бор устоз билан суҳбатлашиш, уларнинг маслаҳатларини олиш бахтига муяссар бўлдим. Бунинг учун Аллоҳ Таолодан ва устозимдан умрим давомида миннатдорман!

Устоз Саидбек Ҳасанов олимликдан ҳам аввал одамийликни биринчи ўринга қўядиган инсон эдилар. У киши жудаям меҳрибон, ҳеч кимнинг кўнглига озор бермайдиган, сўзлаганда ҳам баланд овоз билан гапирмайдиган, очиқ чехрали ва самимий эдилар. Бир гал, устознинг шогирди ҳимоя қилди. Ҳимоя ва банкетга жуда кўп олимлар, ўқитувчилар бордик. Ўтириш бошлангач, бир стол бўлиб ўтирган буюк олим- устозлар ичидан устоз Саидбек Ҳасановга сўз берилди, чиройли гапирдилар, сўз охирида устозга шогирди бир катта гулдастани совға қилдилар, раҳмат дея гулдастани олган устозим, шогирдига қараб майлими бу гулдастани бир кишига берсам дедилар. 40-50га яқин инсонлар- олимлар, ўқитувчилар ичидан тўғри ёнимга келиб, бу гулдаста сизга қизим, энди ҳимоя навбати сизники, дедилар. Шунаканги қувондимки, шунча олима аёллар ичидан гулдастани менга берганларидан (айниқса ҳамкасбларим олдида) бир қувонсам, менинг илмий ишимни тезроқ яқунлаб ҳимояга чиқишимга ундаётганликларидан яна бир хурсанд бўлдим ва ҳатто гулни олиш учун ҳаяжонланганимдан ўрнимдан ҳам туролмай қолдим.

Устоз ҳар бир нарсага эътиборли , инсон учун чин дилдан қайғурувчи, дардига малҳам бўлувчи, кези келганда ёрдамини аямайдиган ғамхўр инсон эдилар, бир сафар устознинг ёнларига борганимда бажарган ишларим бўйича ҳисобот бериб бўлганимдан сўнг секингина, устоз турмуш ўртоғимнинг иши туфайли биз Қорақалпоқистонга яъни, Нукусга кўчиб кетяпмиз. Тошкентда Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ишлашим керак, илмий ишим ортга сурилиб, Нукусдан Тошкентга келишим қийин бўладиёв, дедим. Ҳечқиси йўқ, дедилар устоз, қўлёзмалардан олган парчаларингиз бўйича бир-бирига солиштириб кўриб ёзиб бораверинг. Қачон Тошкентга келсангиз яна ишлайверасиз, ҳимоя тақдир қилган куни бўлади, сиз ёзаверинг , дедилар. Ҳа, яна, деб сўзларини давом эттирдилар устоз, Нукусда мени синглим яшайди, танишиб олинг, Нукусга борсанглар нимадандир қийинчилик бўлса бориб учранг, ёрдам қилади, мен айтаман, дея синглиси ва куёвининг исм фамилияси ҳамда адресини ёзиб қўлимга бердилар. Биз Нукусга борганимизда ҳеч бир қийинчилик бўлмаслиги аниқ, чунки турмуш ўртоғим давлат томонидан юборилаётган одам, бироқ устознинг бу гапи менга зур суянч бўлди. Устознинг меҳрибонлик ва хавотир билан ўз қизидек кўриб борган жойида муаммога дуч келмасин, бегона жойда кимга ишонишни билмай юрмасин, дея менга кўрсатаётган бу ғамхўрлигини ҳеч бир нарсага қиёс этиб бўлмасди. Шунчалар ҳаяжоландимки, биринчи марта бораётган, таниш-билишимиз йўқ бўлган бегона шаҳар Нукусда ҳам қариндошим бордек хурсанд бўлдим, меҳрибон, самимий ва ғамхўр устозни менга насиб этганидан Аллоҳга Таолога шукрона айтдим.

Устоз, илм йўлида фидоий эдилар, илмий ишим бўйича қандайдир савол берсам, секин, оғир вазминлик билан жуда содда қилиб эринмасдан тушунтириб берардилар ва ҳатто баъзи тополмаган китобларимнинг номини сўраб топиб ҳам берардилар. Бир сафар чет элда чиққан бир китобда илмий ишим бўйича маълумот борлигини эшитганимдан сўнг, шу китобни бир неча бор эгасидан суриштирдим ва китобни ололмагач, устозимга айтдим. Сиз

Жиззахга қайтаверинг, ўзим гаплашиб олиб келтириб қўяман, бир келганда олиб кетарсиз, дедилар. Бир куни устознинг шогирди Жалолиддин Жўраев менга, суриштириб юрган китобимни Адабиёт музейидан олиб кетишимни айтдилар. Жиззахдан зудлик билан йўлга чиқдим, Адабиёт музейига бориб бир неча китоблар билан бирга Эронда чиққан ўша китобни олдим. Ўзимда йўқ хурсанд эдим, чунки илмий ишимнинг жаҳонда ўрганилиши бўйича қўлимда ҳеч бир маълумот йўқ эди. Бошқа китоблар билан бирга ушбу китобни олгач, устозим Саидбек Ҳасанов ва Ж.Жўраевга сканер қилиб бирикки кунда олиб келиб беришимни айтиб раҳмат дея, музейдан чиқдим ва метрога тушдим (ҳар гал устознинг ёнларига борганимда метро орқали келиб кетар эдим). Байрам арафаси бўлганлиги боис метрода милиция ходимлари сумкаларни текшириб ўтказишаётган эдилар (бошқа пайт бўлса сумкангизни очиб, ичини кўринг десангиз ҳам текширмайди). Навбат менга келгач, милиция ходими китоблар ичидаги араб ёзувидаги китобни кўриб, бу қандай китоб деб сўради. Адабиёт китоби, дея жавоб бердим. Қаерда чиққан, деб берган саволига, Эронда чиққан, деб жавоб қайтардим. Сиз бу ёққа юринг, дея хонага бошлади ва савол- жавобдан сўнг Алишер Навоий метросидан икки метро нарида жойлашган бинога бир эркак ва бир аёл милиция ходимлари мени олиб боришди. Бу ерда бир маййор еки подполковник (ҳарқалай катта юлдузи бор) мени яна савол- жавоб қилди. Илмий ишим бўйича бу китобни илтимос билан зўрға олганимни, қўлимдаги китоб адабиёт китоби эканлигини, Эронда чиққанлигини, ҳеч бир диний китоб эмаслигини тушунтирдим. Бироқ улар тушунмас, телефон қилиб олай десам ҳам руҳсат беришмади. Шу пайт бир аёлни олиб киришди ва сиз гувоҳсиз опа, мана бу аёлни араб ёзувидаги диний китобини кўрганингизни ёзиб беринг дейишди. Ҳалиги аёл менга қараб бунақа китобларни кўчада кўз- кўз қилмай, уйингизда сақласангиз бўлмайдими, деди. Унга ҳам бу диний китоб эмаслигини тушунтирдим. Бироздан сўнг мутахассис чақирдик, ҳозир келиб бу китобни диний ёки диний эмаслигини текшириб беради, деди юлдузчали одам. Агар диний китоб бўлиб, хавотирли нимадир бўлса,

Ўзингиздан ўпкаланг дейишди. Китоб ҳақида қанча тушунтирсам ҳам тушунишни ишташмади, ҳеч бўлмаса устозимга телефон қилиб олай, дедим охири. Телефонимни ҳам олиб қўйишди. Биз анча вақт мутахассис келишини кутдик, келишмади. Сўнгра турмуш ўртоғим, ака- укаларим орган соҳасида ишлашларини, ҳохласа ҳозир Вазирликда ишлаётган турмуш ўртоғимни телефон орқали суриштириши мумкинлигини, яқинларимни ҳавотирга қўйиб, уларга қарши ёмон иш қилишим мумкинмаслигини, агар милиция ходимлари ҳақ бўлиб чиқишмаса судга беришимни айтдим. Шундан сўнг у киши устозим Саидбек Ҳасанов билан суҳбатлашдилар . Устоз уларга яна китоб ҳақида тушунтирдилар ва шогирди Жалолиддин акани юбордилар. Устоз чиройли қилиб тушунтирмаганларида яна қанча ўтирардим билмадим. Жалолиддин ака келгач , яна бир карра китоб ҳақида айтиб бердилар, бу вақтда ҳам ( китобни кўриб берадиган ) мутахассис келмаган эди. Улар китобни олиб қолишларини айтиб, бизга руҳсат беришди. Илтимослар билан олган китобимни қолдириб кетишга кўзим қиймасида, ташлаб кетишга мажбур бўлдим, Ж.Жўраев олдида ҳижолат бўлдим. Бироз муддат ўтгач, улар текшириб бўлишгач, ҳақиқатдан ҳам бу китоб форс тилида ёзилган адабиёт китоби эканлигини билишгач, китобни қайтариб беришди. Шу воқеадан сўнг устозимнинг ёнларига борганимда устоз бўлган воқеани эшитиб, Сурайёхон “Илм- қудуқни нина билан қовлагандек гап”, деб бежиз айтишмаган, сиз қудуқ тубига етгунча бунақа воқеалардан кўпига дуч келасиз, чидайсиз ва сабр қиласиз. Илмий ишни ёзасиз , ўчирасиз ва яна ёзасиз ана шунда кўзлаган мақсадга эришасиз, дедилар. Яна бир бор устозимнинг илм йўлида фидоий эканлигига ўшанда қойил қолганман. Устознинг чин маънода ҳақиқий одам эканликлари ва кучли билимга эга олим эканликлари ҳақида баъзи воқеаларни айтдим холос.

Устозим Саидбек Ҳасановни охириги марта 2019 йил 11 сентябрь куни кўрдим. Улардан саломатлигини сўраш ва илмий ишни семинарга қўйиш учун руҳсатини олиш мақсадида уйларига йўл олдим (ҳар гал устозни йўқлаб ишхонасига борардим, бироз мазалари йўқлиги учун уйларига бораётган

эдим). Эшик кўнғироғини босдим, ўғли Улуғбек чиқиб келдилар ва устозни касалхонага ётқизганлигини айтдилар. Устозимни кўриб кетиш мақсадида қайси касалхонада эканлигини сўрадим ва бориб кўрсам бўладими, дедим. Касалхонанинг адресини ва қайси палатадалигини билгач, Улуғбек билан хайрлашиб касалхонага йўл олдим. Касалхонага кирар эканман, Реанимация бўлими деган ёзувга кўзим тушди (аввалига реанимацияда ётибди деган хаёлга бормаган эдим, чунки бир оз аввал аҳволлари жуда яхши эди), эшикка яқинлашгач, ҳамшира кимга келганлигимни сўради. Устознинг исми ва фамилиясини ва қайси палатада ётганлигини айтдим. Кими бўласиз, деди ҳамшира. Устозимнинг ўғли Улуғбекни “яқиниман демасангиз киргизмайди опа” дегани ёдимга тушди ва ҳақиқатдан ҳам устоз отамдек бўлиб қолганку, демак мен қизидекман, деган хаёл ўтди ва шогирдиман, қизиман, дедим. Ҳамшира тез кириб чиқинг, кўп қолиб кетиш мумкинмас, дея ҳалат берди. Мен устоз ётган хонага қараб юрдим. Хонага киргач, ўнг томонда бир ҳамшира ниманидир ёзаётганига, бир ҳамширанинг осма уколни улаётганлигига, ўртада кўтарилиб тушириладиган кировотда устозимнинг ётганларига кўзим тушди. Устознинг ётган ҳолдалиги ва қўлига укол улаб қўйилганлигини айтмаса, ўша виқор, ўша салобат ва ўша табассум, фақат “келинг Сурайёхон “деб, ўрниларидан туриб кутиб олмадилар, холос( устоз ҳар гал борсам шундай сўзлар билан кутиб олардилар ва директор бўлсалар ҳам албатта ўринларидан туриб, ўтиринг деб стулни кўрсатиб кейин ўзлари ўтирардилар, устоз отамдан ҳам ёшлари катта инсон эдилар, ҳижолат бўлардим, бу ҳолатни шу вақтга қадар ҳеч бир мансабдор шахсларда учратмадим, бу ҳам одамийликнинг яна бир кўриниши бўлса керак ) ва бироз ҳорғин ҳолда эдилар. Ассалому алайкум, устоз яхшимисиз, яхши бўлиб қолдингизми, дедим. Ўнг қўлига укол улаб қўйилганлиги сабабли чап қўлини узатдилар (мен ҳеч қачон устоз билан қўл бериб кўришмаганман, у киши буюк инсон эдилар), сал титраб турган қўлларини секин ушладим, қўлимни қаттиқ сиқдиларки, гаплашиб бўлгунимизга қадар қўлимни қўйиб юбормадилар. “Яхшимисиз”, дея бош ирғадилар. Устоз энди семинарга

кўйсам бўлади, сиз тузалиб чиққач, худо хохлаसा семинардан ўтаман, дедим. Яна бош ирғадилар ва яхши, дедилар. Ҳамшира тезроқ чиқиб кетишим кераклигини врач келаётганлигини, унга гап тегишини, айтди ва мен, устоз соғ бўлинг, соғайиб кетинг илоҳим , яна кўргани келаман, дедим ва ҳамон ушлаб турган кўлидан секин кўлимни олдим. Устоз ҳамширадан хафа бўлгандек, кўзларини катта-катта очиб, овозлари титраган куйи астагина , “Сурайёхон тезлаатинг” дедилар, хуп, дедим ва чиқиб кетдим. Каридорга чиқиб йиғлаб юбордим, уйга етиб келгунимга қадар Аллоҳдан устозимнинг умрларини узоқ қилишини сўрадим. Улуғбекка телефон қилиб, устозимни кўриб чиқдим раҳмат сизга, Аллоҳдан тузалиб кетишларини тилайман, дедим.

Шу воқеадан сўнг орадан уч кун ўтди ва 14 сентябрь куни ҳамкасбим (у ҳам Саидбек Ҳасановнинг шогирди) устозимизнинг вафот этганлигини ва жаноза соатини айтдилар. Томоғимга бир нарса тиқилгандай бўлди ,йиғлаб юбордим...Наҳотки, шундай улуғ инсон вафот этдилар! Наҳотки, бу дунёни тарк этдилар! Ҳали қиладиган ишлари кўп эдику! Саволлар гирдобада қолдим. Яна бир бор отамдан айрилгандек ҳис қилдим ўзимни. Чингиз Айтматовнинг “Бу дунёга ҳамма ҳам келади ва ҳамма кетади, ерда фақат одамларнинг хотираси қолади. Одамнинг умр йўли эса қисқа- қош билан ковоқ орасича. Одамдан одамга ўтадиган фикргина боқийдир; авлодлардан авлодларга ўтадиган сўзгина абадийдир”, деган сўзлари нақадар тўғри эканлигига амин бўлдим.

Яқинда устозимни тушумда кўрдим, ўшандай салобатли, чиройли, очик чеҳра билан кулиб турибдилар. Жудаям катта китоб жавони бор (бундай китоб жавонини Адабиёт музейида ҳам уйларида ҳам кўрмаганман) хонада кутиб олдилар. Кўлимга катта бир китоб тутқаздилар ва сизга совға дедиларда , чиқиб кетдилар( ҳар гал ёнларига борганимда хайрлашгач, мен чиқиб кетардим).Ҳайратланган ҳолда китобга қарадим, Камрон Мирзонинг “Девон”и қўлёзмаси ва устида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг расми... Бу

девон бўйи кичкина китоб ҳолида нашр қилинган эди, у китобни ва танқидий матнини устозим ҳаётликларида аввалроқ менга берган эдилар, ҳозир эса бу катта қалин қўлёзма китоб ва уни менга нега бердилар... Бунинг таъбири нима эканлигини уйғонгач билолмадим. Балки илмий ишимни ҳимояга қўйишимга оқ фотиҳадир, балки Бобур ва унинг авлодлари бўйича ишлар қилишим учун бир турткидир... Ҳар гал устозни эсласам, шу воқеа ёдимга тушаверади. Нима бўлганда ҳам тушимдада устоз билан суҳбатлашяпманку... Мақсуд Шайхзода ҳам ” одамлар бор тиригида ўликдир, одамлар бор ўлганида ҳам тирикдир”, деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, бир умр илм истаб чарчамаган, ўрганганларини шогирдларидан аямаган, вақтнинг қадрига етиб, бу дунёда бесамар яшамаган, меҳрибон, ғамхўр, ҳақиқий яхши инсонларга хос фазилатлар эгаси бўлган устозим Саидбек Рустамович Ҳасанов бу дунёни тарк этган бўлсаларда, ўзларининг сўзлари билан, қилган яхши ишлари билан устоз сифатида насиҳатлари билан биз учун доимо барҳаётдир!!! ИЛОҲО, ЖОЙИНГИЗ “ЖАННАТ УЛ- ФИРДАВС”ДА БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗИМ!!!